



# Vaziyat

2023 йил  
14 сентябрь  
№ 37 (926)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

## МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?



Қашқадарё вилоятида йирик ишлаб чиқариш объектлари, иқтисодиёт тармоқларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, коммунал соҳа ва энергетика тизими объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича қўмондонлик штаб ўқув машғулоти ўтказилди.

Тадбир давомида 16 та объектда 48 та ўқув нуқтаси белгилаб олинди. Ҳар бир машқ нуқтасида "Ўзбек-телеком" Қашқадарё филиали ишчи-ходимлари томонидан кузатув камералари ўрнатилди ва тўғридан-тўғри вилоят ФВБ биносига ташкил этилган штабда видеоконференцалоқа орқали электр, газ, сув ва иссиқлик таъминоти объектларида фавқулдда вазиятларни бошқариш ишлари мувофиқлаштириб борилди.

Машқ режасига кўра, Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг "Зеварда" сиқув компрессор станциясида, электр энергия ўчганлиги оқибатида авария содир бўлган. Машғулотида ушбу ҳолат бартараф этилди.

Шунингдек, машғулотлар доирасида аҳоли яшаш хонадонларини табиий газ билан таъминлайдиган Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси ишчи-хизматчиларининг ҳам мавсумга шайлиги ўрганилди. Унда газ ҳайдаш қурилмасида содир бўлган авария натижасида узилишларнинг олдини олиш мақсадида захирадаги газ ҳайдаш қурилмаси ишга туширилди. Электр таъминоти билан боғлиқ авария содир бўлганда истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлаш юзасидан автоном электр станциясини ишга тушириш жараёни амалга оширилди.

**Фарҳод МИРЗАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти  
ФВБ бошлиғи,  
полковник.



## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Қўшни Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳри яқинидаги ўқув полигонига "Жер-2023" халқаро қўмондонлик ўқув машқлари бўлиб ўтди.



Ўқув машқларига Қозоғистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотлар, шунингдек, мазкур мамлакатнинг бошқарув, ҳудудий ва функционал органлари жалб қилинди.

Машғулотларга кузатувчи ҳамда ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга оширувчи давлатлар сифатида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Республикаларидан ҳам иштирокчилар таклиф этилди.

Ўқув машқи режасига кўра, Алмати шаҳрида юзага келган йирик фавқулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбайжон Республикалари куч ва воситаларининг биргаликдаги амалий ҳаракатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

ФВБ Фавқулдда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий маркази бошлиғи полковник Собир Абдурахмонов ва Қозоғистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазири Сарим Шарипхановлар томонидан тўғридан-тўғри видеоконференцалоқа тизимида ўқув машғулоти якуни бўйича куч ва воситаларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари баҳоланди, шу билан бирга, ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Тадбир Алмати вилоятининг ўқув полигонига мусобақа шаклида давом эттирилмоқда. Унинг натижалари хусусида газетамизнинг навбатдаги сонидида маълум қиламиз.

Ўз мухбиримиз.



## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Сурхондарё вилояти Термиз ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ушбу туманнинг олис ҳудудида “Гулбаҳар” МФИда жойлашган 18-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида “Ватанпарварлик – маънавий қадрият” мавзусида “Прокурорлик соати” ташкил этилди.



Мазкур тадбирда Термиз ҳарбий прокурори Ш.Мирзаев ўқувчи-ёшларга ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик тушунчалари ҳақида айтиб ўтди.

Шунингдек, Соғлом авлод учун халқаро хайрия фондининг Сурхондарё вилояти филиали ҳамкорлигида 8–11-синфларнинг ўқувчилари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тадбир якунида Сурхондарё вилояти ФВБ ходимлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича кўргазмалар ўқув машғулоти ташкил этилди.

**Ғ.РАҲМОНОВ,**

Термиз ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия майори.

**Ф.ШАЙМАРДАНОВ,**

Сурхондарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бўлими етакчи мутахассиси.

## ПРОКУРАТУРАДА БИР КУН

Бухоро ҳарбий прокуратурасида “Очиқ эшиклар кунини” ва “Уч авлод учрашуви” ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазирлиги ва ДХХ Чегара қўшинлари фахрийлари – Х.Жўраев, О.Амонов, С.Мажидов, Э.Аҳмедов ҳамда Бухоро шаҳридаги 43-сонли умумтаълим мактабининг 10–11-синф ўқувчилари ва бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Мулоқотларда фахрийлар ўзларининг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, ўқувчи-ёшларга ўқиш борасида тавсиялар бериб ўтишди. Шундан сўнг Бухоро ҳарбий прокурори томонидан мамлакатимизда таълимга қаратилаётган эътибор ва имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида тавсиялар берилди.

Жараёнда ўқувчи-ёшлар Бухоро ҳарбий прокуратураси, шу жумладан, соҳада кўп йиллар хизмат қилган ҳарбий прокурорлар тарихи билан яқиндан танишдилар.

Тадбир якунида ўқувчи-ёшларга эсдалик совға сифатида китоблар тўплами тақдим этилди. Куннинг иккинчи ярмида “Арк” кўрғонига саёҳат уюштирилди.

**Собир ТЕМИРОВ,**

Бухоро ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги.



“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Навоийуран” давлат корхонаси объектларида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази шахсий таркиби ўртасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар, қонун бузилиши ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашни ўзимизни ислоҳ қилишдан бошлайлик” мавзусида кенгайтирилган учрашув бўлиб ўтди.

## УЧРАШУВ

Унда Навоий ҳарбий прокурори адлия полковниги Жўрабек Ўринов, вилоят ФВБ масъул ходимлари, ИИБ Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси, ЙХХБ ҳамда Навоий педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Иштирокчилар ўз маърузалари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти, коррупцияга қарши курашишга оид маълумотлар ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатлари ҳамда олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, бугунги куннинг долзарб муаммоларига айланиб бораётган электрон “Тотализатор” ўйинлари ва бошқа кўллаб шу каби салбий ҳолатлар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тадбир якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Мансур УМРЗОҚОВ,**

Навоий вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи, капитан.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**

НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

## БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан Жалолддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейда “Прокурорлик соати” ташкил этилди.



Унда ҳарбий прокурор Умидбек Низамов таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда ҳарбий-академик лицей битирувчиларига олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришда бериладиган имтиёзлар ҳақида маълумотлар берди.

Маъруза давомида ҳарбий ватанпарварлик, она-Ватанга садоқат масалаларига алоҳида ургу берилди.

**Сардор СОБИРОВ,**

Урганч ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.

## АЛДОҚЧИ “СОВЧИЛАР”

Техника асрида яшайпмиз. Тугмачани боссак, хабар бир зумда дунёнинг нариги чеккасига етиб боради. Бу жуда қулай, арзон ҳамда вақтни тежайди. Шу жиҳатдан ҳам замонавий технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланди. Тараққиёт, шиддат билан кетаётган ҳаёт ҳар биримиздан вақтдан унумли фойдаланишни талаб этади. Аммо орамизда техника ютуқларидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, ўзгаларга зиён етказаётган шахслар ҳам учраб турибди. Тошкент шаҳрида яшовчи 25 ёшли А.Х. пул ишлаш учун, бировларни алдаш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғида “Совчилар.уз” каналини ташкил этган. Ушбу канал орқали у Н.Ю. исмли қиз билан танишиб, уйланишини айтади.

– Мен раҳбарлик қилаётган корхона ҳисоб рақамида катта миқдорда пул бор, – деб ёзади каналида. – Агар банкдан кредит асосида пул олиб берсангиз, мазкур пулларни нақдлаштириб, корхона ҳисоб рақамига кирим қилардим. Сизни эса ўзим рози қиламан. Шундай қилиб, “совчи”нинг эгаси қизни алдаб, банкдан 39 400 000 сўм пулни олиб, нақдлаштиради. Алдов йўли билан олинган пулни эса ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборади.

Шунингдек, А.Х. “Совчилар.уз” канали орқали Н.П. исмли қиз билан танишиб, уни ҳам алдайди. Ҳаттоки, унга уйланишини айтиб, Тошкентдан уй олиб беришни ваъда қилади. Шундай йўл билан у Н.П.нинг номига 36300000 сўм кредитни банкдан расмийлаштириб олади. Кредитни қайтариш эса “эсидан” чиқади.

Худди шундай ёлғон ваъдалар билан С.Т. исмли қизга ҳам уйланишини айтиб, унинг номидан банкдан 27 393 684 сўм кредит олинишига эришади. Фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган пулларни эса шахсий эҳтиёжи йўлида сарфлайди.

А.Х. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиради. У содир этаётган ҳатти-ҳаракатлари жиноят эканлигини англаган ҳолда яширишга ҳаракат қилади. Ўзининг устидан жабрланувчи қизлардан бири ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилганлигини билиб қолгач, ўша қиздан аризасини қайтариб олишини талаб қилади. Агарда аризасини қайтариб олмаса, ўзини ва қариндошларини ўлдириш билан кўрқитади. Уриб унга тан жароҳати ҳам етказилади.

Шунингдек, А.Х. телеграммда навбатдаги танишган қизга ҳам уйланишни ваъда қилиб, Тошкент шаҳридан хонадон ҳамда автомашина олиб беришини айтиб ишонтиради. Унинг бу гапларига лаққа тушган қиз эса банкдан 42000000 сўм пул олиб, унинг қўлига тутқазади. 6 нафар қизни алдаб, ёлғон ваъдалари билан анча миқдордаги пулни қўлга киритган “шаввоз” қонун олдида жавоб берди.

Суд А.Х.ни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Айрим ёшларимизнинг ижтимоий тармоқлардаги ёлғон-яшиқ гапларига ишониб, сўнг афсус чекишаётганлиги ачинарли. Ана шундай соддалик фирибгарларга қўл келаяпти. Шунинг учун огоҳ ва сергак бўлиш талаб этилади.

**Фаррух ЭРГАШЕВ,**

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати судьяси.

## FESTIVAL

Farg'ona viloyatida "Tinchlik, taraqqiyot va farovonlik uchun!" shiori ostida "Harbiy vatanparvarlik" festivali o'tkazildi.

Festival davomida yoshlar uchun milliy sport o'yinlari, shaxmat musobaqalari, ko'rgazmali namoyishlar, "General va yoshlar uchrashuvi", "Kitobxonlik tanlovi" kabi qiziqarli tadbirlar tash-

kil etildi. Shuningdek, Farg'ona viloyati FVB boshlig'i o'rinbosari – Shtab boshlig'i polkovnik B.Ashurov boshchiligidagi zamonaviy yong'in o'chirish hamda qidiruv-qutqaruv maxsus texnikalari namoyishi o'tkazildi. Soha xodimlari tomonidan yoshlarga zamonaviy texnikalar va maxsus asbob-anjomlar, ularning texnik imkoniyat-



lari va qo'llash usullari to'g'risida batafsil tushunchalar berib o'tildi. Qolaversa, elimizning taniqli san'atkorlari ishtirokida galakonsert o'tkazildi.

Farg'ona viloyati FVB axborot xizmati.

Toshkent harbiy prokurori yordamchisi adliya polkovnigi Sh.Zoirov ishtirokida FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi o'rtasida intizom buzilishi va huquqbuzarliklar, ijro intizomi hamda korrupsiya bilan bog'liq holatlarning oldini olish maqsadida davra suhbat tashkil etildi.

## DAVRA SUHBATI



Tadbir davomida "E.Xarid" elektron platformasi orqali tovar-moddiy boyliklarni sotib olishda qonuniylik, shaffoflik, korrupsiyaga yo'l qo'y-maslik, Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunda qo'yilgan talablarga rioya etilishi, "E.Xarid" elektron platformasi bilan bog'liq qonun buzilishlarning oqibatlarini javobgarlik bilan yakunlanishi", "Davlat xaridlari sohasida

Korrupsiyasiz soha" va "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" mavzularida ma'ruzlar qilindi.

Suhbat davomida shaxsiy tarkibni qiynab kelayotgan masalalar bo'yicha maslahat va qonuniy tushunchalar berildi.

Sh.AHMADALIYEV,  
Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi bo'lim boshlig'i, kapitan.

## O'RGANISH

Kasbi tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan o'tkazilgan tadbirda hamkor xizmatlar bilan birgalikda 100 dan ziyod xonadonlar o'rganib chiqildi, uy egalari bilan o'tkazilgan profilaktik suhbatlar davomida isitish tizimining sozligiga e'tibor qaratish so'raldi, 10 ga yaqin aniqlangan kamchiliklar joyida bartaraf etildi.

Navbatdagi tadbir tumandagi Denov paxta qabul qilish maskanida tashkil etildi. Tadbir davomida paxta qabul qilish maskani ishchi-xizmatchilari o'rtasida yong'in xavfsizligi qoidalarini bo'yicha profilaktik tushuntirish ishlari olib borildi, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish qoidalarini

bo'yicha obyekt ishchilarining bilimlari mustahkamlandi. Qolaversa, favqulodda vaziyatlarda tog'ri harakat qilish va ko'nikmalarni mustahkamlash maqsadida o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Sh.BOBOMURODOV,  
Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati xodimi, oddiy askar.



## MOZIYGA SAYR

Qashqadaryo viloyati FVB harbiy xizmatchilari Qarshi shahrida joylashgan Odina masjidi "Qatag'on qurbonlari xotirasi" muzeyida bo'lishdi.

Odina masjidi me'moriy yodgorligi XIV asming 80-yillarida bunyod etilgan. Ma'lumotlarga ko'ra, Amir Temur 1385-1386-yillarda Qarshida yirik masjid bunyod ettirgan. Odina masjidi Qarshi shahriining Registon majmuiga kirgan inshootlardan biri bo'lib, ob-

da bo'yiga 50 metr, eniga 40 metrga ega tashkil etadi.

Mazkur sayohat davomida muzey, kutubxona va o'tgan davrning qiziqarli buyumlari haqida ma'lumotga ega bo'ldi.

Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati.



Andijon shahar maktabgacha va maktab bo'limida 56 ta ta'lim muassasasining 114 nafar rahbarlari va mas'ul xodimlari ishtirokida kuz-qish mavsumida barqaror ishlashga tayyorlashni ta'minlash, ta'lim muassasalari binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlash maqsadida yig'ilish o'tkazildi.

## VAZIFALAR BELGILAB OLINDI

Mazkur tadbirda mavsumga tayyorgarlik ishlari holati, binolarning isitish tizimlarini mavsumga shay holatga keltirish, yoqilg'i zaxirasini yaratish va xavfsizlik qoidalarini talablari asosida saqlash bo'yicha kerakli tavsiyalar berildi. Shuningdek, ta'lim muassasalarining ko'mirxonada saqlanayotgan ko'mir yoqilg'isini o'z-o'zidan alan-

ganishini, uning oqibatida ta'lim muassasalari binolari va qo'shni binolarga jiddiy talafot yetayotganligi ta'kidlandi hamda bu borada amalga oshirilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar xususida ma'lumotlar bayon etildi.

Ilyosbek AZIZOV,  
Andijon shahar FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

## СЕМИНАР

Жиззах вилояти ФВБ ва унинг таркибий тузилмаларида хизмат қилаётган ёш ҳарбий хизматчилар билан бошқарма бошлиғи ва ўринбосарлари, шахсий хавфсизлик ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўлимлари бошлиқлари, "Хавастлик" жомъе масжиди имом хатиби иштирокида йиғилиш ўтказилди.



Унда асосий эътибор ёш ҳарбий хизматчилар хизмат ўтаётган ҳудудга қай даражада мослашганлиги, вақтинчалик ёки доимий яшаш жойида қўни-қўшнилар билан ўзаро муносабати, уларнинг қимор ёки таваккалчиликларга асосланган турли он-лайн ўйинлар, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга бўлган муносабатлари ўрганилди. Шунингдек, йиғилишда масжид имом-хатиби "Оиланинг жамиятдаги ўрни, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ҳамда оила – муқаддас" мавзусида маъруза қилди.

Тадбир давомида

пора олиш ёки бериш хизмат вақтида товламчилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, совға олиш ва бериш, қариндошлик, маҳаллийчилик, лоббизм каби иллатларга қарши туриш лозимлиги, шахсий таркиб ўртасида мазкур ҳолатларга йўл қўймашлик, ҳар қандай шароитда ҳам ҳарбий хизматчининг шаъни ва обрўсини сақлаш лозимлиги таъкидланди.

Марат АТАБЕКОВ,  
Жиззах вилояти ФВБ бўлим бош инспектори, майор.  
А.ЎРАЗМУҲАММЕДОВ,  
бўлим бошлиғи, капитан.

## MAZMUNLI SAYOHAT

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi rahbariyati tashabbusi bilan 175 nafar o'z xulqi, bilimiga chanqoqligi bilan boshqa safdoshlariga o'rnak bo'layotgan tinglovchilarning Samarqand shahridagi tarixiy obidalariga ziyorati hamda shahardagi "Samarkand City" turistik zonasiga kechki sayohat tashkil etildi.



Ilk manzil mamlakatimiz mustaqilligining asoschisi bo'lgan O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning maqbarasi bo'ldi. Undan so'ng buyuk ajdodlarimiz tomonidan bunyod etilgan sharq gavhari hisoblanmish "Registon maydoni"dagi Tillakori, Sherdor va Ulug'bek maqbaralarga ziyorat qilindi. Buyuk sarkarda bobomiz Amir Temur majmuasida Sohibqironning harbiy yurishlari, hukmronlik qilgan mamlakatlaridagi obodonchilik va barpo etilgan saroyu, bog'lar, ta'lim va san'atga qaratgan e'tibori to'g'risidagi fikrlar bayon etildi.

S.JUMANOV,  
FVV BTvaMOM katta ofitseri, mayor.

Бухоро вилояти Жондор туманида ҳамкорликдаги хизматлар билан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда куч воситаларнинг шайлик ҳолати ва захира манбаларнинг тайёрлик даражаси кўздан кечирилди. Шунингдек, ҳар бир объектда авария содир бўлганда зудлик билан аҳолини электр ва газ билан таъминлаш борасида ўқув машқлари ўтказилди.

## ЖОНДОРДА МАШҚ



Машғулот давомида тумандаги газ тарқатиш нуқтасида фавқуллода вазият содир бўлганда соҳа мутасаддилар томонидан авария юз берган нуқтани аниқлаш ва уни таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шартли авария вақтида аҳолини газ таъминотидан узилиб қолмаслиги учун худудгаз туман бўлими томонидан хонадонларга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. Аҳолига газдан хавфсиз фойдаланишини ўргатиш мақсадида эслатмалар тарқатилди.

Шерзод ЯРАШЕВ,  
Жондор тумани ФВ бўлими бошлиғи, майор.



## О'QUV

Unda o'qituvchilar va o'quvchi-yoshlarga yong'in, chaqnash, is gazidan zaharlanish va boshqa tUSDagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish, yuzaga kelganda to'g'ri harakatlanish borasida tushunchalar berildi.

Bu boradagi tadbirlar joylarda davom ettirilmoqda.

O'tkirjon TURDALIYEV,  
Pop tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

Pop tumani FV bo'limi tomonidan "Yong'indan ogohlik" umummilliy kompaniyasi tadbirlari doirasida tumandagi 65-umumta'lim maktabida ko'rgazmali seminar tashkil qilindi.

## ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда 2023 йилнинг 1 сентябридан бошланган «Ёнгиндан огоҳлик» умуммиллий кампаниясида нафақат соҳа мутахассислари, балки барча юртдошларимиз фаол иштирок этишлари лозим.

Ҳозирда Юнусобод туманида 2023 йилнинг ўтган 8 ойи давомида 55 та ёнгин содир бўлган. Ёнгинларнинг асосий қисми, яъни 15 таси очик майдонлардаги қуриган ўт, шох-шабба ва ахлат чиқиндиларда, 12 таси шахсий хо-

## BITIRUV MAROSIMI

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida o'quv yig'ini tugallanishi munosabati bilan bitiruv marosimi bo'lib o'tdi.

Tadbirda markaz boshlig'i polkovnik Sh.Ayubov so'z olib, bitiruvchilarni o'quv yig'inini muvaffaqiyatli tugatganliklari bilan tabrikladi.

O'quv yig'inini namunal xulq-atvori, tartib-intizomi, jismoniy mahorati va o'quv mash-

g'ulotlarni a'lo baholar bilan tugatgan tinglovchilarga faxriy yorliq va esdalik sovg'alari tantanali ravishda topshirildi.

Shuningdek, tadbirda ishtirok etgan markaz rahbariyati o'zgaruvchan tarkib bilan ishlash bo'limi ofitserlari bitiruvchilarga



olgan bilimlarni xizmat joylarda mustahkam amaliyotda qo'llashlari va doimo xalqimiz xizmatida bo'lishlarni bildirib, oq

yo'l tilab qoldilar.  
S.JUMANOV,  
FVV BT va MOM bo'lim katta ofitseri, mayor.

Яшнобод туманида жойлашган таълим ташкилотлари, жамоат жойлари, турар жой мажмуалари, давлат ташкилотлари ва тadbirkorlik субъектларида ёнгинларнинг олдини олиш, содир бўлганда ҳаракат қилиш бўйича услубий машғулотлар ўтказилмоқда.

## ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда коммунал соҳа ташкилотлари томонидан иқтисодий тармоқлари, турар жой фонди, ижтимоий соҳа объектларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги хизматлар билан кўмондонлик-штаб ўқув машқи ташкил этилди.

Ш.САДЕНОВ,  
Яшнобод тумани ФВ бўлими бўлинма мутахассиси.

## MAVSUMGA TAYYORGARLIK



"Yong'indan ogohlik" umummilliy kompaniyasi doirasida Chinoz tumani hududida tegishli tashkilotlar hamkorligida 2023–2024-yillar kuz-qish mavsumiga tayyorgarlik ko'rish, betalafot o'tkazish, energetika hamda gaz tizimining barqaror ishlashini ta'minlash, aholi va iqtisodiyot tarmoqlariga elektr energiyasi va gaz resurslarini yetkazib berishda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Mashq yakunida tezkor shtab a'zolari hamda tegishli xizmatlar vakillari ishtirokida amaliy harakatlarni muhokama qilindi. Qish mavsumiga tayyorgarlik bo'yicha bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar belgilab olindi.

Azizbek QO'SHAQOV, Chinoz tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari, kapitan.

## EGIZAKLAR MUBORAK!



Uychi tumani FV bo'limi inspektori Doniyor Otamirzayevning turmush o'rtog'i 3 nafar o'g'il farzandni dunyoga keltirdi. Ayni paytda egizaklar sog'lom. Ular Namangan shahridagi Respublika perenatal markazining Namangan filialida parvarish qilinmoqda. Shu munosabat bilan viloyati FVB jamoasi D.Otamirzayevni chin dildan tabriklaydi.

Namangan viloyati FVB axborot xizmati.

## KO'PKURASH

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazidagi tinglovchilar o'rtasida ko'pkurash musobaqasi bo'lib o'tdi.



Tadbir avvalida markaz boshlig'ining birinchi o'rinbosari mayor A.Ochiylov so'zga chiqib, tinglovchilarga omad tiladi.

Ishirokchilar oltita shart bo'yicha kuch sinashdilar. Ko'rik-tanlov yakuni bo'yicha turnikda tortinish shartida 4-vzvod tinglovchisi J.Alixonov, 1000 metr masofaga yugurish shartida 4-vzvod tinglovchisi J.Alixonov, 1000 metr masofaga yugurishda 5-vzvod tinglovchisi od-

diy askar A.Qosimjonov, 24 kg. toshni ko'tarish bo'yicha 2-vzvod tinglovchisi oddiy askar S.Ummatov, Armrestling kuch sinashish shartida 4-vzvod tinglovchisi oddiy askar Z.Rahimnazarov hamda arqon tortish shartida 8-vzvod jamoasi 1-o'inni egalladi.

Tanlov natijalari bo'yicha yuqori ko'rsatkichlarga erishgan tinglovchilarga faxriy yorliq va esdalik sovg'alari topshirildi.

Sh.MAMATQULOV,  
FVV BT va MOM bo'lim ofitseri, mayor.



ник регламентлар, стандартлар, нормалар ва қоидаларга жавоб бермагани, хусусан, бинода ҳаво айланиш тизими ва қўшимча чиқиш жойлари талаб даражасида бўлмагани эътироф этилган.

Шунга кўра, жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактик тadbirlar ташкил қилиниб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

М.ГУЛЯМОВ,  
Юнусобод тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

надонларда, 6 таси кўп қаватли уйларда, 7 таси тadbirkorlik субъектларига қарашли бўлган объектларда ва 8 таси транспорт билан боғлиқ ҳолатда содир бўлган.

Ушбу бахтсиз ҳодисанинг сабабларини текшириш ҳамда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус топшириқлари асосида иш бошлаган Ҳукумат комиссиясининг дастлабки хулосасига кўра, ҳодиса содир бўлган бино ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги тех-

# МЕХНАТКАШ ВА ТАШАББУСКОР



Маълумки, инсоннинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланишида, саломатлигининг мустаҳкамланишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бениҳоя катта ҳисобланади. Соғлом фарзанднинг дунёга келиши, кучли ҳамда бақувват бўлиб улғайиши эса ватанимизнинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Буни теран англаган Бахтиёр Ашурматов (Аллоҳ раҳматига олсин) ҳам фарзанди Элёрнинг қалбида спортга нисбатан кучли меҳрни шакллантиришни уддалади.

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат фаолиятини олиб бораётган, меҳнаткашлиги, ташаббускорлиги билан жамоаси орасида ҳурмат, обрў-эътиборга эга бўлиб келаётган, ҳар бир вазифа ҳамда кўрсатмаларни, хизмат вазифасини ўз вақтида, тўлиқ бажаришга ҳаракат қиладиган, ўзларининг лавозимлари доирасида функционал вазифаларини бажаришга жиддий ёндашадиган инсонлар орасида кичик сержант Элёр Ашурматов ҳам борлигини эътироф этиш лозим, албатта.

Айни пайтда “Қамчиқ” Махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси Қутқарув отряди қидирув-қутқарув гуруҳи кинологи вазифасида хизмат қиладиган Э.Ашурматов 1990 йили пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида, Бахтиёр Ашурматов ва Феруза Ашурматова хонадонидан дунёга келган. Ушбу оилада камолга етаётган фарзандларга спорт соҳаси саломатлик, жисмоний етуқликнинг асоси эканлигини тўлақонли тушунтирилган. Хонадон соҳиби томонидан эл таниган ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган спортчилар ҳақида суҳбатлар қурилган. Спорт чўққиларини эгаллаш ҳар бир шахсдан ўта иродали бўлишни тақозо қилиши айтилган. Мана шундай фикрларни тинглаб ўсаётган Элёрнинг кўнглида ҳам спортга нисбатан кучли меҳр пайдо бўлган ва у ўз орзулари сари дадил қадам ташлаб, босқичма-босқич спорт сирларини эгаллаб борган.

Мақоламиз қаҳрамони Чирчиқ олимпия захиралари коллежида таҳсил олаётган кезларида ҳам турли тадбир ҳамда беллашуларда, мурасасиз курашларга бой бўлган мусобақаларда иштирок этишни бошлаган. Инсоннинг жисмонан ҳамда руҳан чиниқишига хизмат қиладиган спорт соҳасидаги ўзига хос қийинчиликлар йўлида ортга чекинмасдан, чексиз, ҳадсиз орзуларига эришишда ўзининг метин иродасини намойён этган.

– Ҳар бир спортчи, умуман олганда, ҳар бир инсон, энг аввало, ўзининг олдига аниқ мақсад қўйиши лозим, – дейди Элёр Ашурматов. – Ана шу мақсадларини амалга ошириш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиши зарур. Жисмоний машқлар кишида иш қобилияти оширади, салбий, руҳий таъсирлар, ақлий чар-

чашни бартараф этади. Жанговар тайёргарлик машғулотларини бажаришда, инсонлар ҳаётини тезкорлик ва чаққонлик билан қутқаришда, уларнинг мол-мулкларини асраб қолиш, ҳарбий хизматчиларнинг ватан ва халқ олдидаги бурчларини бажаришда, қолаверса, инсоннинг жисмонан соғлом, чаққон ва чидамли бўлиб шаклланишида спортнинг ўрни беқиёс.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Э.Ашурматов 2010 йилдан 2018 йилга қадар ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув маркази қутқарувчи кинолог хизматчи вазифасида хизмат фаолиятини олиб борган. Мамлакатимиз ҳудудидаги ўта муҳим ва тоифаланган, кимёвий, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд объектларда ҳамда жамоат масканларида, аҳоли пунктларида, кўп қаватли бино ва иншоотларда, шунингдек, тоғли ҳудудларда ер ва қор кўчкилари, сел ва тошқин хавфи мавжуд жойларда юзага келган фавқулдда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, жабрланган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хавфсиз жойларга кўчириш ҳамда авария-қутқарув, қидирув-қутқарув ишларини олиб боришга йўналтирилган марказда қаҳрамонимиз билмли ва ташаббускор, фаол ҳамда маҳоратли спортчи эканлигини намойён этган. Чунки Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлиги муносабати билан ташкил этилган футбол мусобақасида Э.Ашурматов жамоаси 1 ўринини эгаллаган. Ўшанда нафақат у, балки унинг саъй-ҳаракатларидан илҳомланган, завқ олган барча жамоадошлари ҳам бутун борлиги билан яшил майдонда тўп сурган.

Мазкур ютуқнинг қўлга киритилишида Элёрнинг 10 ёшидан 14 ёшигача “Трактор” футбол клубида малакали тренер Илҳом Ўрмоновдан олган сабоғи, катта орзулар, беғубор ниятлар билан ўзини, борлигини спортга бағишлагани жуда қўлган келган. 2018–2022 йилларда эса Э.Ашурматов “Қамчиқ” МҚЁҚБ Қутқарув отряди қутқарувчи сифатида хизмат қилди. Мана шу давр оралиғида у касбий ва маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш устида мунтазам шугулланди, мураккаб вазиятлардан тўғри чиқиш қобилиятига эга бўлишга ҳаракат қилди. Инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга интилди. Ўзининг нақадар жасоратли ва матонатли ҳарбий хизматчи эканлигини амалда исботлади. Сафдошлари, устозлари билан аҳил ҳаракат қилиб, улардан хизмат сирлари ва тажрибаларини ўрганди.

Ҳозирги кунда Қутқарув отряди қидирув-қутқарув гуруҳи кинологи сифатида “Эдгар”, “Рембо” лақабли тўрт оёқли беминнат ёрдамчилар, яъни хизмат итлари билан машғулотлар олиб бормоқда. Узоқ ва тез югурадиган бу жониворларни парваришlash, уларнинг қидирув-қутқарув операцияларидаги иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Улар творог, тухум, гўшти ва донли маҳсулотлар билан ўз вақтида овқатлан-



тирилмоқда. Хизмат итларининг ишга яроқлилик даражасини янада ошириш, энг сезгир ҳамда ақлли бўлишини таъминлаш учун доимий тарзда ветеринар мутахассислар томонидан кўриқдан ўтказилмоқда. Махсус лабораторияларда уларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, итларда учрайдиган касалликларнинг олдини олишга эришилмоқда. Шу боис, бу вафодор жониворлар инсон эшитишга қодир бўлмаган товуш ва шитирлашларни ҳам тезда сезади. Ҳид билиш қобилияти ҳам яхши ривожланган. Ҳатто жуда кучсиз ҳидларни ҳам ажрата олади. Агар бахтсиз ҳодиса юз берган жойда йўқолган одамлар изланаётган бўлса, итлар уларни ҳиддан қидириб топади. Шу билан бирга, улар тирик одамларни излаши, ёрдамга чақириши, чиқиш қийин бўлган жойлардан инсонларни қутқариб олиши мумкин. Чунки бу итларнинг мураббийси Элёр Ашурматов бир вақтда турли хил йўналишда фикрлашни ўргатишга ҳам ҳаракат қилади. Ҳайвонларни итоаткор бўлишга ҳамда интизомга одатлантиради.

Албатта, Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимининг билмли ва ташаббускор, фаол ҳамда маҳоратли спортчи ходимларидан бири – кичик сержант Элёр Ашурматовнинг касбий фаолиятда эришган ютуқлари хусусида яна жуда кўп гапириш мумкин. Унинг бир қатор диплом ва фахрий ёрлиқларга муносиб кўрилгани алоҳида эътироф лойиқдир. Муҳими шундаки, бугун у мамлакатимизнинг фидойи, жонкуяр йигитлари билан бир сафда туриб, “Ўзбекистон халоскори” деган шарафли номни оқлаб келмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам унга келгусидаги шарафли вазифа йўлида бугунгидек, бардамлик, омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Анвар ҚОБИЛОВ,**  
“Vaziyat” мухбири.  
**Шаҳзода Абдусатторова,**  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ  
бош мутахассиси.



## ИССИҚЛИК ТИЗИМЛАРИ



Бухоро вилояти "Иссиқлик манбаи" ДУК корхонаси томонидан 2023 йилда таъмирланиши режалаштирилган жами 13 та сув иситиш қозонни мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 12 та Бухоро шаҳрида ва 1 та Когон шаҳридаги қозонлар, шунингдек, "Иссиқлик манбаи" ДУК корхонаси томонидан 2023 йилда 4,41 км иссиқлик тармоқларини таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич тўлиқ амалга оширилишига эришилди. Бундан ташқари, вилоят ФВБ билан ҳамкорликда Бухоро шаҳридаги саратон касалхонасига янги замонавий 3 та "КВА-1.3" қозонлари ўрнатиб берилди. Таъмирлаш ишлари давомида жами 25 та сув насосидан ҳозирги кунда 18 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

**Сулаймон АВЕЗОВ,**  
Бухоро вилояти "Иссиқлик манбаи" ДУК  
корхонаси ходими.  
**Қудрат ШОКИРОВ,**  
Бухоро вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,  
подполковник.

Namangan davlat pedagogika institutida viloyat FVB boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik B.Radjabov, Namangan shahar FV bo'limi boshlig'i polkovnik V.Egamnazrov, shuningdek, institut professor-o'qituvchilari, talaba-yoshlar hamda harbiy xizmatchilar ishtirokida tadbir o'tkazildi.

## PROFILAKTIK KUN



Tadbirda "Yong'indan ogohlik" umummilliy kompaniyasining mazmun-mohiyati va kuz-qish mavsumi talabalar turar joylarida yong'in, chaqnash va is gazidan zaharlanish hamda boshqa favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan yo'riqnomalar berildi. Shuningdek, boshqarma Hayot faoliyati xavfsizligi

gi o'quv markazi mas'ul xodimlar tomonidan talaba-yoshlarga nazariy dars o'tilib, mavzuga oid slayd va ijtimoiy rolklar namoyish etildi.

**D.ABDURAHMONOV,**  
Namangan viloyati  
FVB HFXO'M katta  
o'qituvchisi.  
**A.ASQAROV,**  
Namangan shahar FV  
bo'limi inspektori.

## TARG'IBOT

Aholi xonadonlarida olib borilgan o'rganishlar davomida gaz plitalari va isitish moslamalari soz holatda ekanligi, shuningdek, dudburonlar ko'zdan kechirilib, ulardan to'g'ri foydalanish qoidalarini tushuntirildi.

"Yong'indan ogohlik!" umummilliy kampaniyasini amalga oshirishga

qaratilgan chora-tadbirlar rejasiga muvofiq soha xodimlarining navbatdagi manzili tumandagi umumta'lim maktablari bo'ldi. O'quvchilar o'rtasida yong'inga qarshi kurash va yong'indan himoyalaniish bo'yicha interfaol usullarda mashg'ulotlar o'tkazilib, bolalar uchun ishlab chiqilgan "Yong'in xavfsizligi qo'llanmasi" yordamida yong'in xavfsizligi qoida

Abdulla Avloniy nomidagi Milliy tadqiqot instituti xodimlari bilan favqulodda vaziyat va yong'inlarning oldini olish bo'yicha uchrashuv bo'lib o'tdi.

Tadbirda yer yuzida sodir bo'layotgan seysmologik hodisalar, jumladan, favqulodda holat va yong'in xavfsizligini ta'minlash, kuz-qish mavsumiga tayyorgarlik ko'rish, uni betalafot o'tkazish borasida profilaktik tushuntirish o'tkazildi.

## INSTITUT XODIMLARI UCHUN



Shuningdek, zilzilalar vaqtida tezkor choralar ko'rish, bunday vaqtda odam sarosimaga tushmay, o'zini-o'zi boshqarish, darhol xavfsiz joyga o'tishi kerakligi ta'kidlandi.

Uchrashuv davomida soha xodimlari tomonidan ishtirokchilarning savollariga javob berildi.

**Sarvar ANOROV,**  
Olmazor tumani  
FV bo'limi inspektori,  
kapitan.

## ЙЎРИҚНОМАЛАР БЕРИЛДИ

Миробод тумани ФВ бўлими шахсий таркиби мутасадди ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриб, аҳоли хонадонларида фавқулдда вазият юз беришининг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари ва йўриқномалар олиб бормоқдалар.



Tadbirlar davomida sentyabr oyidan boshlab 23 ta kўp qavatli uy, 985 ta xonadon, 16 ta davlat tasarrufiga qarashli obyekt kўzdan kechirilib, shulardan 3574 ta fuqaroga tushuntirish berildi. 1800 dona eslatma materiallar tarqatildi. Bu kabi tadbirlar davom ettirilmokda.

**О.ҚОДИРОВ,**  
Миробод тумани ФВ бўлими  
инспектори, капитан.

## МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

"Ёнгиндан огоҳлик" лмокда. Тadbirlar умуммиллий кампанияси доирасида Жиззах вилоятида давлат ташкилотлари, тadbirkorлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда, иш жойларида ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, эвакуация режалари, ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари мавзuida семинарлар, маърузалар, маҳорат дарслари, танловлар ва тақдимотлар ўткази-

**Ифтихор УМАРОВ,**  
Жиззах вилояти  
ФВБ ахборот хизмати  
бошлиғи, капитан.



va talablariga rioya qilish, elektr va gaz qurilmalaridan to'g'ri va xavfsiz foydalanish tartibi o'rgatildi.

**S.URUNBOYEV,**  
Gurlan tumani FV  
bo'limi boshlig'i,  
podpolkovnik.

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академиясида "Очиқ эшиклар куни" тadbiri ўтказилди. Тadbirda Янгиҳаёт туманида жойлашган 2-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари, ўқитувчилари, туман фаол ёшлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

## "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"

Мазкур тadbirning биринчи қисмида Академия профессор-ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилари томонидан ўқувчи ва ёшларга фавқулдда вазиятларни бартараф этиш, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, иситиш мосламаларининг ишлаши, ёнгин содир бўлган пайтдаги ҳаракатлар ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига rioya қилмаслик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида маълумотлар берилди. Шунингдек, ёнгин ўчириш техникалари, анжомлари ҳамда ёнгин-ўчириш воситалари билан мактаб ўқувчилари ва ёшларга яқиндан таништирилди. Машғулот сўнггида ўқувчиларни қизиқтирган саволларига ташкилотчилар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Тadbirning иккинчи қисмида ёшлар академияда янги ўқув йилининг олиб борилиш жараёнларини катта қизиқиш билан кузатиб боришди. Экскурсия давомида ёшлар курсантлар таҳсил олаётган замонавий ўқув синф хоналари ва лаборатория хоналари ҳамда Ахборот-ресурс маркази билан яқиндан танишишди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВБ Академияси катта ўқитувчиси, майор.



## KUCH VA VOSITALAR SHAYLIGI

Toshkent viloyati Bekobod shahrida shahar FV bo'limi hamda shahar hokimi N.Babayev boshchiligidagi shahar FVDT kuch va vositalari bilan hamkorlikda kuz-qish mavsumida elektr energiyasi va gaz ta'minoti bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish, sodir bo'lganda oqibatlarini zudlik bilan bartaraf etish borasida tashkilotlarning shayligi tekshirib borilmoqda.

**A.HAYITBOYEV,**  
Bekobod shahar FV bo'limi inspektori,  
katta leytenant.

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази "Мутахассислик фанлари" цикли ўқувчилари томонидан Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 63-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда ФВВ тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, юртимизда ва вилоятда содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнгин, чақнаш, ис газидан

заҳарланиш каби вазиятларнинг салбий таъсирлари, шунингдек, улар содир бўлишининг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг саволларига марказ педагог-ўқитувчилари томонидан жавоб берилди.

**Ж.САИДОВ,**  
ФВВ БТВАМОМ ўқитувчиси,  
подполковник.  
**О.ЧОРШАНБИЕВ,**  
оддий аскар.

Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ходимлари томонидан вилоятлардаги мавжуд аттракционларни давлат назоратидан ўтказиш учун ҳудудлар кесимида маҳаллий ҳокимиятлар, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида маданият ва истироҳат боғларидаги ҳар хил турдаги аттракционлар ўрганиб чиқилмоқда.

шунчалар берилди.

Ўқув машқи якунида жойларда ишларни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, 2023 йил куз-қиш мавсуми давомида профилак-

## ШАЙЛИК МУҲИМ

Когон тумани ҳудудида 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумида коммунал соҳа ташкилотлари томонидан иқтисодиёт тармоқлари, турар жой фонди ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг барқарор фаолият кўрсатишини ташкил қилиш, аҳолини электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, ФВДТ ҳудудий куйи тизими бошқарув органлари ҳамда куч ва воситаларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш мақсадида, қўмондонлик-штаб ўқув



машқи ўтказилди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан куз-қиш мавсуми давомида аварияларнинг олдини олиш бўйича ўқув машқи иштирокчиларига ту-

тик тадбирларни кучайтирилган тартибда олиб бориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**С.ИКМАТОВ,**  
Когон тумани ФВ бўлими кичик инспектори, сержант.

## ОБЪЕКТАДА MASHG'ULOT

Sho'rtan neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi obyektlarida tekshiruvlar o'tkazilib, aniqlangan kamchiliklar joyida bartaraf etildi hamda obyekt ishchi-xizmatchilarining bilim saviyasini oshirish maqsadida targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

Yong'in insonlarning hayoti, ularning sog'lig'i, jismoniy va yundik shaxslarning mol-mulki hamda atrof-muhitiga jiddiy zarar etkazadigan nazorat qilib bo'lmaydiga yonish hodisasidir. Tabiiyki, havo harorati pasayib, kunlar sovushi natijasida, elektr, gaz yoki boshqa yoqilg'ilar bilan ishlaydigan isitish moslamalaridan foydalanishga ehtiyoj ortadi. Shuning uchun yong'in xavfsizligi qoidalarga amal qiling!

**Sherzod UROZOV,** Sho'rtan neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi obyektlarda YXTEB kichik inspektori, 1-darajali serjant.

## ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Деҳқонобод туманидаги ижтимоий-иқтисодий объектлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда аҳоли яшаш пунктлари, бошланғич таълим ва таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо мажмуаларида "Ёнгиндан огоҳлик" умуммиллий кампанияси доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари ва кўргазмали машғулотлар ташкил этилмоқда.

Тадбирлар давомида фуқароларга табиий газ, кўмир, ўтин маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ис ва газга чақнашлардан огоҳ бўлиш, шунингдек, ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда юзага келганда тўғри ҳаракатланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

**Ўткирбек ЮЛДАШЕВ,** Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

Kitob tumani FV bo'limi tomonidan "Yong'indan ogohlik" umummilliy kampaniyasi tadbiri munosabati bilan tuman hududidagi maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi va viloyat bolalar uylaridagi ishchi-xizmatchilar o'rtasida yong'in xavfsizligini ta'minlash maqsadida profilaktik tadbirlar bo'lib o'tdi.

## HUSHYORLIK



Tadbir davomida ko'rgazmali chiqishlar amalga oshirilib, zilzila va yong'in yuzaga kelganda to'g'ri harakatlanish, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan to'g'ri foydalanish bo'yicha tadbir ishtirokchilarga eslatma va bukletlar tarqatildi.

**Aziz BOLTAYEV,**  
Kitob tumani FV bo'limi boshlig'i, kapitan.  
**Aktam ABDURASHIDOV,**  
tezkor bo'linma boshlig'i, kapitan.

## ДОЛЗАРЬ МАВЗУДА



Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жойларда фавқулодда вазиятлар ва ёнгин ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари қизғин амалга оширилмоқда.

**Дилшод РУСТАМОВ,** Дўстлик тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.



## YONG'INDAN OGOHLIK

Qarshi shahridagi 29-umumta'lim maktabida o'tkazilgan ko'rgazmali targ'ibot tadbirida yong'in nazorati bo'yicha inspektorlar tomonidan har bir sinfda kuz-qish mavsumida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan yong'inlar, mavsumiy favqulodda vaziyatlar to'g'risida ma'lumotlar berildi.

Maxsus ishlab chiqilgan bannerlar yordamida yong'inlar, is gazi, gaz-havo aralashmasining chaqnashi kabi favqulodda vaziyatlar hamda botulizm, quturish kasalliklari bo'yicha o'quvchilarga zarur tavsiyalar berildi.

Qarshi shahridagi "Mahallot" mahallasida ham aholi yashash xonadonlarida profilaktik tadbirlar tashkil etildi. Xonadonlarda uyma-uy yurilib, kuz-qish mavsumida issiqlik tizimiga, elektr va gaz qurilmalarining sozligiga alohida e'tibor qaratish lozimligi tushuntirildi, gaz xizmati xodimlari bilan hamkorlikda aniqlangan kamchiliklar bartaraf etildi.

**Jasur JABBOROV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
podpolkovnik.  
**Rahim ESHONQULOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB bosh inspektori,  
kapitan.



# ДУНЁДА ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН!

Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан мухтарам Президентимизнинг фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонларига мувофиқ мен ҳам “Дўстлик” ордени билан мукофотландим. Бу менинг кўп йиллик камтарин хизматларимга давлатимиз томонидан берилган юксак баҳодир. Бу юксак ишонч бир қалам соҳиби сифатида мени келгусида адабиёт аҳлини қувонтирадиган янги-янги асарлар ёзишга даъват этади. Айниқса, бугунги дориламон кунларга етишимиз учун жонини қурбон қилган аждодларимизнинг сўнмас жасоратларини ёш авлодга етказиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Давлатимиз раҳбарининг пойтахтимиздаги Адиблар хиббонига ташрифи чоғида ижод аҳлига, адабиётга юксак баҳо бериб: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамларнинг қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъбирдан кучидан фойдаланиш керак. Аждодларимиз меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитлар яратамиз”, деган гаплари барчамизнинг қалбимизни тўлқинлантириб, руҳлантириб юборганди.

Бундай руҳланиш аста-секин ўз самарасини бермоқда. Бутун халқимиз буюк ватандошимиз, қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлаётган бир пайтда, мен ҳам улуг алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган “Берунийнинг ёшлиги ёхуд райхонли бола” номли пьесамни тугатдим ва бу асар болажонларимизнинг севимли нашри – “Тонг юлдузи” газетаси саҳифаларида чоп этиб берилмоқда.

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда янги-янги ютуқлар, янги-янги зафарлар қўлга киритилмоқда. Мен Бухорои шариф фарзанди бўлганим боис яқинда, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифлари доирасида вилоят бўйича бандлик



дастурининг кўриб чиқилгани ва Бухоро вилоятини 2023-2025 йилларда аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантиришнинг мақсад қилингани барча юртдошларимиз қатори мени ҳам ғоят қувонтириб юборди. Зеро, аҳолиси иш билан тўлиқ таъминланган жойда фаровонлик бўлади, тўкин-сочинлик ва шукроналик бўлади.

“Бизнинг қадимий ва мустақкам теран илдизларимиз бор. Бу – бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий ўзгичимиздир. Мен ана шу теран илдизларимизда юртни, миллатни бирлаштирадиган буюк бир ғояни кўраман... Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, қўшни давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар дипломатларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим” – дедилар давлатимиз раҳбари байрам табригида.

Дарҳақиқат, азалдан илдизларимиз бир бўлган қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари сўнгги беш йил ичида сезиларли даражада яхшиланди. Бу эса келгусида мамлакатимизда тинч-

лик-осойишталик ва фаровонликнинг равақ топишида муҳим омиллардан биридир.

Юксак мукофот учун давлатимиз раҳбариятига ҳамда азиз халқимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, дунёда ҳаммаша дўстлик ва тинчлик барқарор бўлсин дея фикримни қардош давлатлар ҳамдўстлигига бағишланган шеърим билан яқунлайман.

## БЕШ МИЛЛАТ МАДҲИЯСИ

Бир қўлнинг беш бармоғидай,  
эй беш миллат –  
Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркмансимиз.  
Бир чинорнинг беш шохидай беш дўст  
миллат,  
Фахр этурман сиз-ла, чунки сиз манимсиз.

Ўтмишда ҳам бир-бирларин сўйиб, қучиб,  
Мулки Турон ичра ўту қонлар кечиб,  
Беш дарёдек бир уммоннинг сувин ичиб,  
Бир ҳаводан нафас олиб юргансимиз.

Гоҳ алданиб ёвузларнинг ҳийласига,  
Гоҳо путур этиб дўстлик қалъасига,  
Гоҳ айланиб ғанимларнинг ўлжасига,  
Не-не жабру ситамларни кўргансимиз.

Енгилмасиз бир мушт бўлиб бирлашсангиз,  
Амуё Сир, Зарафшондек сирлашсангиз,  
Миш-мишларга энди парво қилмай ҳаргиз,  
Олам аро Тинчлик деб бонг ургансимиз.

Навоийу Жомий бобом руҳин шодлаб,  
Махтумқулидек оға-инин ардоқлаб,  
Абай каби дўсту қардошликни ёқлаб,  
Чингиз Айтмат сўзин айтиб тургансимиз.

Таъзим айлаб қўҳна Турон тупроғига,  
Лабни босиб Истиқлолнинг байроғига,  
Бобомерос қўҳна замин чорбоғига –  
Мангу дўстлик кўргонини кургансимиз.

Ўртаимизда гов-тўсиқлар йўқдир энди,  
Сарҳадлар тинч, кўнглилар ҳам тўқдир энди,  
Қўшиқлару ўланлар ҳам шўхдир энди,  
Дийдорлашиб, бирга хандон ургансимиз.

Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркмансимиз,  
Бирга-бир давру даврон сургансимиз.  
Дўстим, оғам, рафиқим ҳам бовурим деб,  
Нурли манзилларга йўлни бургансимиз.

**Зикрилла НЕЪМАТ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси, “Дўстлик” ордени  
соҳиби, истеъфодаги полковник.



## Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Фавқуллода  
вазирлар  
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**М. САНАЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 5400 нусха

## ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 239-сон умумтаълим мактабида “Мустақиллик берган неъмат” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бош мутахассиси, “Шуҳрат” медали, “Дўстлик” ордени соҳиби Эсонбой Ўринов, ФВВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби, шоир Баҳодир Обид, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя агентлиги тиббий ижтимоий муассасаси бош шифокори Умиджон Дадалиев, “Ушу-санда” спорт тури

бўйича Осиё чемпиони, мураббий Азамат Хабириновлар иштирок этди.

Учрашув давомида мутахассислар томонидан мустақиллик неъматини, унинг кадр-қиммати, Ватанга муҳаббат, китобхонлик, соғлом турмуш тарзи хусусида фикр юритилиб, ўқувчилар билан ижодий мулоқот ташкил этилди. Шунингдек, ижодкорлар ва ўқувчилар ўртасида шеърини мушоира



бўлиб ўтди.  
Тадбир ўқувчиларда  
катта таассурот қолдирди.

**Зебо СУЛТОНОВА,**  
маънавий-маърифий  
ишлар бўйича директор  
ўринбосари.